# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

### ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ САУДИЯ АРАБИСТОНИ ВАЛИАҲД ШАҲЗОДАСИНИ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАКЛИФ ҚИЛДИ

**Президент Қ. Тўқаев Саудия Арабистони Қироллиги валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан телефон орқали мулоқотда бўлди.**

Президент ва валиаҳд шаҳзода савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар фаоллашганини алоҳида таъкидлаб, икки мамлакат ҳамкорлигининг ижобий истиқболларини қайд этди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев нефть-кимё, қишлоқ хўжалиги, энергетика, молиявий хизматлар ва туризм каби соҳалар салоҳияти улкан эканини таъкидлади.

Мулоқотда Қозоғистон Республикаси билан Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Президент Қ. Тўқаев Муҳаммад бин Салмон Ол Саудни мамлакатимизга таклиф қилди. Тахт вориси таклифни қабул қилди.

Икки давлат раҳбарлари бир-бирларини Рамазон ойи билан табрикладилар.

**Akorda.kz.**


**Ў. Шўкеев: ГАЗЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ** 2-бет

**ҲАРБИЙ ПОЛИГОНДА МАШҒУЛОТЛАР** 3-бет

**АДАБИЙ РИШТАЛАР – АБАДИЙ РИШТАЛАР** 4-бет



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 19 апрель, сешанба. №42 (3095).


# ИШОНЧ, ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

### ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ



**Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистонинг Хитой Халқ Республикасидаги янги тайинланган элчиси Шахрат Нуришевни қабул қилди.**

Мулоқот чоғида Президент Хитой Халқ Республикаси билан ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратди. Олий даражадаги келишувларни, шу жумладан, жорий йил февраль ойида Президентнинг Пекинга ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Хитой ва Қозоғистон муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўяётганини таъкидлади.

Хитой Қозоғистоннинг ҳаёт синовидан ўтган ишончли ҳамкоридир. Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланган бўлиб, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига айланган маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни, биринчи навбатда, юқори технологияга асосланган тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қасим-Жўмарт Тўқаев транспорт ва транзит интеграцияси, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида илғор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Халқаро ва минтақавий миқёсда, жумладан, ШҲТ ва Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари кенгаши доирасида алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари янги тайинланган Элчи фаолиятининг энг муҳим йўналишларидандир.

**Akorda.kz. маълумотлари асосида.**

# ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ – МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

### БУ ЙИЛ ҚОЗОҒИСТОНДА ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ



**ҚР Давлат котиби Ерлан Қарин раислигида Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиясининг йиғилиши ўтди.**

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири Даурен Абаев Қозоғистон Республикаси давлат рамзларининг 30 йиллигига бағишланган асосий тадбирлар, ташкилий-тайёргарлик ишлари ҳамда режаланган маданий тадбирлар ҳақида маъруза қилди.

Ерлан Қарин давлат рамзлари, хусусан, Давлат байроғидан кенг фойдаланиш масаласини ўрганиш юзасидан топшириқ берди.

Комиссия раиси давлат рамзлари жамиятни бирлаштирувчи куч ва мамлакатимизнинг ажралмас қисми, мустақиллигимиз тимсоли эканини таъкидлади. Комиссия йиғилиши якунлари бўйича давлат рамзларининг 30 йиллигига бағишланган умумхалқ тадбирларини сифатли ўтказиш юзасидан давлат органларига қатор топшириқлар берилди.

**24 kz.**

**Ақтўбе вилоятининг Туркистон вилоятидаги Маданият кунлари доирасида Т. Ахтанов номидаги Ақтўбе вилоят драма театри санъаткорлари ижросида "Ер Едиге" этно-фольклор тарихий драмаси томошабинларга тақдим этилди. Спектаклни томоша қилишга Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев, Ақтўбе вилояти ҳокими Ўнғдасин Уразалин, театр мухлислари ташриф буюришди.**

# МИНТАҚАЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРГАН МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

Олтин Ўрда хонлигининг тарихи, миллат қаҳрамонлари гавдалантирилган саҳна асари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ватанга муҳаббат, фидойилик, омонатга содиқлик, бирлик ва тотувликни тараннум этган саҳна асарини завқ билан томоша қилган ҳамюртларимиз уйларига катта таассурот билан қайтишди.

Пьеса муаллифи – "Дарин" давлат мукофоти лауреати Светқали Нуржан, саҳналаштирувчи режиссёр – халқаро фестиваллар лауреати Данияр Базарқулов, режиссёри – санъат магистри Алмат Шарипов. Ғ. Жубанов номидаги вилоят филармониясининг қозоқ камера хори ва "Арайли Ақтўбе" фольклор дастаси асарни ўз мусиқалари билан янада жозибадор этишган.

Едиге ролини Мейирбек Шакенов, Тўхтамиш хоннинг ролини таниқли артист, ҚР "Маданият соҳаси аълочиси" Мағзом Бақитжанов гавдалантирди.

Спектаклни томоша қилган Ақтўбе вилояти ҳокими Ў. Уразалин Туркистоннинг тарихий аҳамиятига тўхталди:

– Туркистон шаҳрининг равнақига ақтўбеликлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб, ажойиб бинони ҳадя қилди. Туркий оламнинг бешиги ҳисобланган Туркистонда




икки кун давом этган Ақтўбе вилоятининг Маданият кунлари якунига етди. Бугун томоша қилган спектаклнинг бош қаҳрамони Едигенинг Ватанга муҳаббати бизга ҳамон ибрат вазифасини ўтамоқда.

Икки кун давом этган маданият кунлари Туркистон шаҳридаги "Конгресс холл" саройида "Салом, Туркистон!" катта концерти билан якунланди. Бу ерда ақтўбелик рассомларнинг кўргазмаси ҳам уюштирилди.

Икки минтақа ўртасидаги алоқаларни янада жипслаштирган маънавий карвонга туркистонликлар миннатдорчиликларини изҳор этишди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

# МАШИНАСОЗЛИК – ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

### ŠKODA ҚОЗОҒИСТОНДА ТРОЛЛЕЙБУС ЗАВОДИНИ ОЧАДИ



**KAZAKH INVEST ҳамда Чехиянинг «Škoda Transportation» ва «Elektrotechnika» компаниялари вакиллари Қозоғистонда машинасозликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.**

Учрашувда «Škoda Transportation» компаниясининг минтақавий директори Роман Соркин ва «Elektrotechnika» компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Либор Новак Чехия делегациясининг Қозоғистонга ташрифини ташкил этишда кўрсатган ёрдами учун KAZAKH INVEST компаниясига миннатдорчилик билдирди ва икки томонлама сармоявий ҳамкорликка қизиқиш билдирди.

Ўз навбатида, «KAZAKH INVEST» МК» ҲЖ бошқаруви раиси Мейржан Юсупов машинасозлик соҳасида сармоявий лойиҳаларини ишлаб чиқиш Қозоғистон иқтисодиётининг устувор тармоқларидан бири эканлигини таъкидлади.

Чехия компаниялари Қозоғистонда троллейбус ва электробуслар ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганмоқда. Қозоғистон Республикасининг Чехиядаги элчихонаси ва KAZAKH INVEST компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ташриф доирасида Алмати, Нур-Султан шаҳарлари ва «Қазақстан темір жолы» МК ҲЖда учрашувлар ўтди.

Таъкидлаш жоиз, «Škoda Transportation» – Европада метро, трамвай, троллейбус, темир йўл вагонлари, электропоездлар ва электробуслар каби транспорт турларини ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялардан бири.

**ҚРнинг Чехиядаги элчихонаси матбуот хизмати.**

## ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли "Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида"ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Естайули Шўкеевнинг Сўзоқ тумани аҳолиси билан учрашуви **2022 йил 27 апрель куни соат 11.00да Шўлоққўрғон қишлоғида** "Ту тұғыры" майдонида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокими **2022 йил 27 апрель куни соат 12.00да Шўлоққўрғон қишлоғидаги** тарихий-ўлкашунослик музейида **Сўзоқ тумани аҳолисини** шахсан қабул қилади.

Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Естайули Шўкеевнинг **Байдибек тумани** аҳолиси билан учрашуви **2022 йил 27 апрель куни соат 16.00да** туман Маданият уйи ёнидаги Мустақиллик майдонида ўтади, шунингдек, вилоят ҳокими **2022 йил 27 апрель куни соат 17.00да** Маданият уйида **Байдибек тумани аҳолисини** шахсан қабул қилади.

*Қабулга аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 26 апрелгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (танаффус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.*

*Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исм-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.*

● “Янги Қозоғистон”: жараён

# Ўмирзақ ШЎКЕЕВ: МАҚТААРАЛДА ЯНГИ КАСАЛХОНА ҚАД РОСТЛАМОҚДА



**Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев мақтааралликлар билан учрашувда аҳоли илтимосига кўра, замонавий касалхона барпо этилишини маълум қилди.**

– Туман миқёсида янги кичик туман, мактаб, болалар боғчаси барпо этилди. Энди касалхона ҳам қурамиз, бу – ўта муҳим иншоот, – деган минтақа раҳбари яна бошқа маълумотларга тўхталиб, Мақтааорални ривожлантириш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Умуман, 2021 йили туманда саноат маҳсулотлари ҳажми 15,9 млрд. тенгени ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 9,7 фоизга ортиб, 65,7 млрд. тенгега етган. Баҳорги дала ишлари учун 5,6 минг тонна ёнилғи ажратилди. “Бир майдондан 2-3 марта ҳосил олиш” лойиҳаси доирасида 900 гектар майдонда 174та лойиҳа амалга оширилиб, дастлабки ҳосил олинди. Бугунги кунда Мақтаарал тумани Россияга карам жўнатиш борасида етакчи.

“Овул – эл бешиги” лойиҳаси доирасида 2021 йил 10та аҳоли манзилида 39та лойиҳа амалга оширилиб, Қалшўраев, Ийиржар, Мирзатўбе, Пернебаев аҳоли манзилларидаги 4та мактаб тубдан таъмирланди. 38,8 чақиримдан иборат 35та кўча асфальтланди. 2021 йили туманда 12та мактаб ҳамда 1та болалар боғчасининг қурилиш-монтаж ишлари юритилиб, 8та мактаб ва 1 болалар боғчаси фойдаланишга топширилган.

Ўтган йил Атакент овули ва Береке, Ийиржар аҳоли манзилларидаги эскирган марказлаштирилган сув тармоқларини янгилаш ишлари бошланди. Шунингдек, ўтган йили Есентаев аҳоли манзилига янги марказлаштирилган сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Электр ва газ таъминоти йўналишида ҳам ишлар авжида.

# ЖЕТИСАЙДА 200 ОИЛА БОШПАНАЛИ БЎЛАДИ



**Туркистон вилояти ҳокими Ў. Шўкеев Жетисай тумани аҳолиси билан учрашувларда давлат томонидан олис туманларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини маълум қилди. Натижада, туман, шаҳарларнинг инфратузилмаси ривожланиб, аҳоли фаровонлиги ошмоқда.**

Ўтган йилда Жетисай туманига жалб этилган сармоя ҳажми 29,1 млрд. тенгени ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 2,8 марта ортган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 8,6 фоизга ўсиб, 93 млрд. тенгени ташкил этди. Жорий йил 79,3 минг гектарга экин экилди. Деҳқонлар эртанги экинларнинг уруғи билан тўлиқ таъминланган. Бир майдондан 2-3 марта ҳосил олиш лойиҳаси бўйича 1100 гектар ерда 236та лойиҳа амалга оширилиб, дастлабки ҳосил олинмоқда.

“Қишлоқ – эл бешиги” лойиҳаси доирасида 2021 йили 5та аҳоли манзилида 44та лойиҳа амалга оширилди. 2022 йили 7та аҳоли манзилида 35та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2021 йили Қизилқум қишлоқ округи, Датқа аҳоли манзилидаги 200 ўринли мактабнинг қурилиши бошланиб, фойдаланишга топширилди.

2021 йили қурилиши бошланган 6та уй жорий йил фойдаланишга топширилади. У ҳозир инфратузилма билан таъминланиоқда. Натижада 200та оила бошпанали бўлади.

**Мақтаарал туманида ўтган учрашувда вилоят ҳокими Ў. Шўкеев юзлаб фуқаролар олдида ҳисобот берди.**

**Туманни ривожлантириш учун мамлакат, вилоят бюджети ҳисобидан маблағ ажратилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Учрашувда ҳоким бу ва бошқа муҳим масалаларга тўхталиб, аҳоли мурожаатларини ҳам тинглади. Даставвал, Мирзакент кентидаги истироҳат боғини қайта тиклаш борасидаги фикр-мулоҳазалар билан танишди.**

# САЙЁР ҚАБУЛ – ЭЛГА МАҚБУЛ



Сўнг «Нұр-шамы» МЧБнинг электр ускуналари ва трансформаторларни янгилаш цехи фаолияти билан танишди ва у ерда ҳам фуқаролар билан учрашди. Маданият уйи олдида ўтган учрашувда эса маърузa ва ҳисоботларга тўхталмасдан, кўпроқ аҳоли саволларига эътибор қаратди.

– Минтақанинг 2 миллион аҳолисидан 700 мингги меҳнатга лаёқатли фуқаролар. Лекин уларнинг 30 фоизи доимий иш ўрнига эга эмас. Ушбу муаммони ҳал этиш учун қатъий чоралар керак. Саноат соҳасида иш ўринларини барпо этиб, кўрсаткичларни юксалтиришимиз жоиз. Ҳудудда нефтни қайта ишловчи, цемент, фосфор заводлари қурилади. Қишлоқ хўжалиги бу ерда яхши ривожланган. Барча соҳаларда замонавий технологияларни жорий этиш керак. Туркистонга келиб, томчилатиб суғориш усули билан танишинг. Бу сувни тежаб, меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Яқин 2-3 йил ичида Мақтаарал ҳудуди тубдан ўзгаради. Янги ижтимоий иншоотлар, мактаблар, уй-жойлар барпо этилади, йўллар таъмирланади, – деди ҳоким.

Сўнг Ўмирзақ Естайули фуқароларнинг саволларига жавоб берди. Мақтааралликлар мактаб қурилиши, ердан самарали фойдаланиш, обикор деҳқончилик, экологияга оид таклифларини илгари суришди.

Мулоқот очиқ осмон остида, эркин шаклда ўтди, айтилган таклифлар баённомага киритилди.

Шу куни вилоят ҳокими бир неча фуқарони қабул қилиб, уларнинг мурожаатларини тинглади.

# Ў. Шўкеев: ГАЗЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

**Туркистон вилоятининг 6 туманидаги 22та манзил аҳолиси “зангори олов” билан таъминланди. Бу қишлоқларда 6000дан зиёд хонадон бор. Газ билан таъминлаш учун бюджет харажати ҳисобидан 410 чақиримдан зиёд газ қувури ётқизилди. Минтақадаги газлаштириш ишларининг олиб борилишини муҳокама қилиш учун Туркистон вилоят ҳокими “QazaqGaz” “ҲЖ” Бошқарма раиси Санжар Жаркешовни қабул қилди.**

– Кўпдан буён кутилган масала ҳал этилиб, қишлоқлар газ билан таъминланмоқда. Яқиндагина кентовликларнинг қувончига шерик бўлгандик. Кўмир ташвиши, ис ва кулдан қутулган кўплаб оилаларнинг турмуши яхшиланди, дейиш мумкин. Энди, мана, яна 22та манзилнинг аҳолиси “зангори олов”дан фойдаланмоқда. Кўпдан буён кутилган масала ҳал бўлди. Бу – вилоят иқтисодиётига қўшимча қувват бериб, аҳоли турмуш тарзи яхшиланди.

Навбатма-навбат бошқа қишлоқларга ҳам газ етказиш ишлари давом этади, – деди вилоят ҳокими.

– Жануб минтақасида аҳоли зич жойлашган ҳамда энг йирик газ таъминоти иншоотлари ўрнатилган. Ушбу ҳудуд орқали йирик газ магистраллари ўтади. Галдаги вазифа – “Бейнеу–Бозой–Шимкент” магистрал газ қувурининг иккинчи тармоғини ишга тушириш, – деди ўз сўзида “QazaqGaz” “ҲЖ” Бошқаруви раиси Санжар Жаркешов.

Эслатиб ўтамиз, илк бор Саврон туманига қарашли Теке, С. Қўжанов, Н. Ўнгдасинов ва Б. Жалангтўс қишлоқлари газ билан таъминланди. Бу қишлоқларда 1000га яқин хонадон бўлса, унинг 125таси табиий газга уланишга тайёр. Яна 18та ижтимоий, 10та коммунал иншоот жойлашган. Шу ойнинг охиригача 22та аҳоли манзили газга уланди. Улар Чордара туманидаги Қўссейит қишлоғи, Байдибек туманидаги Мингбулоқ, Жузумдик, Бестўғай, Ақбулақ, Қўсбулақ, Қайнарбулақ, Маданият, Интимоқ қишлоқлари, Сариағаш туманига тегишли Жанаталап, Ақуй, Қуркелес, Дастан, Алғабас қишлоқлари, Саврон туманидаги Султанбек Қўжанов, Нуртас Ўнгдасинов, Б. Жалангтўс қишлоқлари, Ўтирар туманидаги Интали, Мингшукур, Қоғам қишлоқлари.

Табиий газ билан таъминланган аҳоли манзилларининг умумий сони 457 ёки 54,3 фоизга етди. Кўп йилдан буён ҳал этилмаган 300га яқин иншоотнинг масаласи ҳал бўлди. Бугунги кунда 252та иншоот истеъмолчи ташкилот тасаррувига ўтказилди. Натижада, 1 млн. 100 минг истеъмолчи табиий газ билан таъминланди. Бу йил яна 50та иншоот қурилиши юритилмоқда, шу жумладан, 15та иншоотнинг қурилиши тугатилиб, 33400 аҳолиси бор 15та аҳоли манзили ва 4та кичик туманни (Чордара шаҳри) газга қўшиш режаланган.

Шунингдек, жануб минтақасида “Таскескен”, “Қақпақ” автомат газ тақсимлаш станциялари ишга туширилиб, чегара яқинида жойлашган Қазиғурт, Сариоғоч туманларининг аҳоли манзиллари газ билан таъминланди. Чордара туманида ҳам газ тақсимлаш станцияси ишга туширилди. Бюджет ҳисобидан 14 АГРС қурилди.

2025 йилгача 250та аҳоли манзилига газ қувурини тортиб, аҳоли манзилларини табиий газ билан таъминлаш кўрсаткичини 85,8 фоизга етказиш режаланмоқда.

# БАХТ КАЛИТИ – МЕҲНАТ, МАЙДОНИ – ОНА ЕР

**– Туркистон вилояти хўжаликлари 1 гектар карамдан 10 миллион тенге даромад топмоқда, – деди Жетисай тумани меҳнаткашлари билан учрашув чоғида вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев.**



Минтақа раҳбари дастлаб, Ақниет аҳоли манзилидаги далада деҳқонлар ва хўжаликлар раҳбарлари билан учрашиб, уларнинг мурожаатларини тинглади. Улар сув ва субсидия масалаларини кўтаришди. Хўжалик соҳиби жорий йилда 12 гектар майдонга карам экиб, дала бошидаёқ килосини 280-300 тенгедан сотмоқда.

– Минтақамизнинг асосий йўналиши – қишлоқ хўжалиги. Шунинг учун биз оқава сув муаммосини ҳал қиламиз, деҳқонларни қўллаб-қувватлаймиз. Давлат раҳбари раҳнамолигида юртимизда улкан сиёсий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳокимлар зиммасига юксак масъулият юкланди. Геосиёсий ва иқтисодий вазият оғир. Яна бир муаммо – ишсизлик. Барча шаҳар ва қишлоқларда демографик ўсиш кузатилмоқда. Шундай экан, кўпроқ иш ўринларини яратишимиз зарур. Вилоятда 150 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес иншоотлари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири яна ўнта янги иш ўрнини яратса, миллионлаб одам иш билан таъминланади. Жетисайда “Бизнес Бастау” ва бошқа давлат дастурлари хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида фаол фаолият юритмоқда. Яқинда деҳқонлар билан учрашдим. Иқлимимиз бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш имконини беради. Эртапишар маҳсулотларни етиштириш учун ҳам жуда қулай. Хўжаликларга турли усулларни тавсия қиляпмиз. Ўн икки гектар ерга карам экиб, ҳозирнинг ўзида килосини тахминан 300 тенгедан сотяпти. Жами 400 тоннадан зиёд ҳосил олиб, дастлабки тушумдан фойда топмоқда. Бундай фойдани фақат кучли ишбилармонлар олишлари мумкин, – деди Ўмирзақ Шўкеев.

Бугунги кунда жетисайлик деҳқонлар карамнинг эртапишар навини Россияга экспорт қилиб улгурди. Ҳар гектаридан 10 миллион тенгедан зиёд соф даромад олди. Ушбу муваффақиятга тўхталган минтақа раҳбари “Сирдария” университети қошида очиқ осмон остида жетисайликлар билан суҳбатлашди.

– Мен вилоят марказидан энг олисда жойлашган Жетисай ва Мақтааралнинг чекка ҳудудларига алоҳида ташриф буюриб тураман. Аҳолисининг муаммолари менга яхши маълум. Бу, асосан, газ ва сув. Мен мутасадди раҳбарларга бу масалани таҳлил қилишни топширдим. Маълум бўлишича, Атакентда 150 йилга етарли сув захираси мавжуд экан. Бундан самарали фойдаланишимиз керак. Иккинчидан, газ масаласига оид саволларга келсак, бу ерда иккита (АГРС) газ тақсимлаш станцияси мавжуд. Улар тўлиқ қувват билан ишласа ҳам, бутун туманни “зангори олов” билан таъминлай олмайди. Шунинг учун яна 2та катта газ тақсимлаш станциясини қуришга киришдик. Бири – Атакентда, иккинчиси Жетисайда қад ростлайди. Улар фойдаланишга топширилгач, ҳудуд тўлиқ газ билан таъминланади. Ҳар бир соҳанинг тараққиёт концепцияси, лойиҳаси бор. Жетисайни ободонлаштириш, ижтимоий иншоотлар билан таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга ошади, – деди вилоят ҳокими.

Учрашувдан сўнг Ўмирзақ Естайули бир гуруҳ фуқароларни қабул қилиб, арз-шикоят, таклиф ва мулоҳазаларини тинглади. Ҳар бир мурожаат баённомага киритилиб, қонун доирасида иш олиб борилади. Мутасадди раҳбарларга, туман ҳокимига ишсизликни камайтириш, қурилишни сифатли олиб бориш каби яна қатор вазифаларни топширди.

Ўмирзақ Шўкеев “Асыл қазына және тең қоғам” ижтимоий хизмат кўрсатиш марказида алоҳида парваришга муҳтож фуқаролар, кўп болали оналар, Бувилар ва Оталар кенгаши вакиллари билан учрашувда мактаб қуриш, инфратузилмага оид масалалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими ушбу таклифлар эътиборга олиниб, қонун доирасида ҳал қилинишини маълум қилди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

**Товламачилик билан шуғулланган блогер давлат хизматчисидан 500 минг тенге талаб қилгани учун ҳибсга олинди.**

# МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ – НАЗОРАТДА!

**Туркистонда ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх-наволари кўтарилиб кетмаслигининг олдини олишга бағишланган масалалар муҳокама қилинди.**



Тадбирда давлат идораларидан ташқари, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархига бевосита таъсир қиладиган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари, савдо нуқталари, бозорлар, новвойхоналарнинг эгалари иштирок этишди.

Вилоят бошқармалари ва ҳудудий департаментлари томонидан нарх-наво кўтарилишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида баён этилди.

Йиғилишга якун ясаган вилоят ҳокимининг ўринбосари Арман Сабитов нархларни барқарорлаштириш мақсадида ҳар куни савдо дўконларини оралаб, барқарорлаштириш жамғармаси озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш ишларини фаоллаштириш, нарх-навони асоссиз ошираётган товар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларни алоҳида назорат қилишни топширди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

# ҲАРБИЙ ПОЛИГОНДА МАШҒУЛОТЛАР

**Қазиғурт туманида 100дан зиёд захирадаги аскар ва зобит ҳарбий полигонда ўқув машғулотларида фаол иштирок этмоқда. Вилоят ҳудудий мудофаа бригадасининг бўлинмалари томонидан ўтказилаётган ушбу тадбир 22 апрелгача давом этади.**



Машғулот иштирокчилари ҳудудий мудофаага тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар доирасида қонунда белгиланган тартибда жанговар шайлик даражасини намойиш этадилар.

Шартли душман гуруҳларининг ҳарбий қисмлар, база, аэродром ва ҳарбий шаҳарчаларга ҳужум қилган пайтида ёки учувчисиз ҳаво воситаларининг рейдлари чоғида аскарларнинг тайёргарлик даражаси, иш-ҳаракатларига раҳбарият алоҳида эътибор қаратди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

◆ **«Янги Қозоғистон»ни бирга қурамиз!**

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АСОСИ

**Қозоғистон Республикаси Президенти Қ. Тўқаев Қозоғистон халқига йўллаган Мактубида самарали кичик ва ўрта бизнес шаҳар ва қишлоқлар тараққиётининг мустаҳкам асоси бўлиб, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.**

Тадбиркорлик – миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Айни вақтда иқтисодиётимиздаги кичик ва ўрта бизнес улуши 28,4 фоизни ташкил этди. Қозоғистон Республикасида 3,3 млн. одам кичик ва ўрта бизнес соҳасида (иқтисодий фаол аҳолининг 37 фоизи) фаолият юритяпти.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг кичик ва ўрта бизнесдаги бандлик даражаси сўнгги ўн йил мобайнида 30-40 фоиз атрофида бўлиб, иқтисодиёти ривожланган давлатларга нисбатан анча кам (бундай давлатларда бандликнинг ўртача даражаси –70 фоиз).

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун етакчилик фазилатлари – ижодий фикрлаш, ташаббускорлик, инновация ҳамда муаммоларнинг мантиқий ечимини топиш, мавҳумлик ва хавфга доим тайёр туриш тақозо этилади.

Қозоғистонни 2025 йилгача тараққий эттириш Стратегик режасида кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришга эътибор қаратилади. Ал Форобий номидаги Қозоқ миллий университети мамлакатнинг етакчи ОТМларидан бўлиб, QS World University Rankings рейтингидаги жаҳоннинг энг яхши 200та олий таълим масканлари қаторига кирган. Университет раҳбарияти фан ривожланишининг замонавий мойилликлари, инновациялар ва талабаларда ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, яқинда ҚозМУда мазкур илм масканининг битирувчиси, бизнес бошқаруви доктори, Almaty Management University асосчиси ва президенти Б. Қўжахметов ёшларда етакчилик қобилиятларини юксалтиришга оид маърузасини ўқиди.

“Иқтисодиёт” кафедрасининг ўқитувчилари “Тадбиркорлик” фанини ўрганаётган иқтисодий ва ноиқтисодий ихтисосликлар талабаларида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириб, мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўшишмоқда.

Бундан ташқари, кафедрада талабалар диплом ишларининг амалий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мазкур мулоҳазаларнинг ҳаммуаллифларидан бири Шоҳруҳ Мамутов ҳам “Кичик бизнес корхонасининг молиявий-иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш” мавзусини танлади. Кейинчалик, балки, у ўзининг корхонасини ташкил этар, айни дамда эса “Бухгалтер ҳисоби маълумотлари бўйича иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили” услубини ўзлаштириш билан бирга, хусусий компанияда амалиёт тажрибаларини ўтаяпти.

Хуллас, Ал Форобий номидаги ҚозМУ “Иқтисодиёт” кафедрасининг вазифаси – рақобатбардош муҳит-шароитларида мутахассисларнинг касбий тайёргарлигининг сифатини ошириш мақсадида таълим дастурларини янада такомиллаштиришдан иборат.

**Б. А. БАЙТАНАЕВА,**
**профессор, иқтисод фанлари номзоди, илмий раҳбар,**
**С. К. ҚЎНДИБАЕВА,**
**Ph доктори, илмий-инновациявий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича кафедра мудирининг ўринбосари,**
**Ш. МАМУТОВ,**
**Ал Форобий номидаги ҚозМУнинг “Иқтисодиёт” ихтисослиги бўйича 4-босқич талабаси.**



## БУЮК ДАШТНИНГ ЕТТИ ҚИРРАСИ

◆ **Тарихни билмоқ – ўзликни англамоқ**

# ҲАҚИҚИЙ ҲОДИСАЛАРНИ ЭШИТСИНЛАР, БИЛСИНЛАР!

**Тарих фанлари доктори, Х. А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети профессори Хазретали Турсун – бугун таҳририятимиз меҳмони. Унинг бу галги мусоҳабасида мухлисларимизга қизиқарли янгилиги бор экан.**

– Бу гал Октябрь инқилобидан аввалги даврда юз берган бир тарихий ҳодиса тафсилотларига кенг тўхталмоқчиман, – деди у. – Каминанинг 2012 йилда Оренбург вилоят Давлат архивида бир тарихий ҳужжатга кўзим тушди. Яъни «Туркистон, Чимкент, Тошкент шаҳарлари аҳолиси номидан император ҳазратларига Россия тобелигига қабул учун миннатдорчилик билдириш мақсадида вакилларни юбориш тўғрисида». Бу муҳим ҳужжатни ўрганарканман, Туркистон, Чимкент, Тошкент ва бошқа шаҳарлар халқи орасидан рус императори Александр II («оқ подшо») ҳузурига вакил бўлиб борганлар (16 киши) ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим.

2016 йилда Санкт-Петербургдаги Россия давлат тарихий архивида ҳам бу ҳақдаги манбаларни топдим. Топилган тарихий ҳужжатларни ўрганиб, илмий мақолалар нашр эттирдим. Фақат ўша йилларда вакиллар таркибидаги ўзбек вакилларни алоҳида ўрганиш имкони бўлмади. Мана, энди мавриди келиб, матбуот саҳифаларида ошкор айламоқчиман. Айтганча, бу додхоҳлар гуруҳининг рус императори ҳузурига бориб-келгани тарихимизда маълум, буюк қозоқ адиби Майлиқўжа оқиннинг «Датқалардың Петірборға баруы» тарихий асарида ҳам берилган. Фақат маълумотлар умумий, тафсилотлари мавҳум эди...

**– Мазкур воқеа ҳақида бир бошдан гапириб берсангиз...**

– 1866 йил сентябрь ойида Оренбург генерал-губернаторлигидан, генерал-адъютант Крижановский ва Скрипнев, девон мудири Ходоровский Ҳарбий вазирга Туркистон ўлкасининг бир гуруҳ додхоҳлари император қабулида бўлиб, рус фуқаролигини қабул қилгани ҳамда Осиё истибдодидан халос этгани учун миннатдорчилик билдириш учун вакил сифатида боришга рухсат сўраганликларини ёзади. Ушбу ҳужжатда мустамлакачи ҳокимият амалдорлари розилик сўраб, барча харажатлар маҳаллий бюджетдан қопланишини билдиради. Бундай вакиллик илгари қозоқ заминидаги бошқа ҳудудлардан ҳам борганлигини ҳисобга олсак, мустамлакачи ҳукумат босиб олинган ерлардаги сиёсий вазиятни ҳал қилиш учун бир одатий ҳаракат ёки уриниш эканлигини кўрамиз. Хуллас, император туркистонлик арбобларни қабул қилишга рози бўлади.

**– Вакиллар таркибига тўхталсангиз, улар орасида маҳаллий ўзбеклар ҳам бор эди, дедингиз...**

– 1866 йил 5 ноябрда Туркистон ҳарбий губернатори вакиллар таркибини шакллантириш ҳақида қуйидагича таклиф олади: Туркистон шаҳридан икки депутат, бири Шайхул Ислом, иккинчиси Чимкентдан, Тошкентдан – тўрт, жумладан, Сайдазим, иккитаси Хўжанддан, бири Юсуф хўжа Шуайқов, Хўжанднинг қози калони ва бошқа шаҳарлардан ўзлари танлаган икки киши. Полковник Сиров (Сыров)ни вакилларга раҳбар этиб тайинлаш тўғрисида ва барча харажатларнинг қопланиши зарурлиги тўғрисида хат ёзилади. Николай Крижановскийга 1866 йил 30 ноябрь куни Ҳарбий вазирлик таклифлари Петербургга, генерал Романовскийдан ва яна бошқалардан келгач, ҳал қилинади, деб жавоб берилади. 1866 йил январь ойида Туркистон вилояти ҳарбий губернатори девони Оренбург генерал-губернаторига ёзган мактубида: «Сиз олдиндан тайинланган депутатларингиздан ташқари, мен Ўратепа, Жиззах, шунингдек, вилоятнинг жанубий қанотидаги қирғиз вакилларини ҳам қўшдим. Ушбу вакиллар харажатлари қуйидагича аниқланди: вакиллик ва унинг аъзоларига еттита «тройка» (учта от) ажратилади. Тошкентдан Оренбурггача 2000 чақирим, ҳар чақирим учун 1,5 тийин ва Оренбургдан Санкт-Петербурггача 2081 верст, ҳар верст учун 2,5 тийин. Умуман бориб-келишнинг умумий қиймати 3301 рублни ташкил қилади. Вакиллик раҳбари ҳарбий старшина Сировга 472 рубль, тилмоч Байдоковга бир «тройка» учун 472 рубль. Юк ортган отлиқларга 472 рубль. Вакиллик таркибидаги 16 кишига – 9 сарт ва 7 қирғизга – кундаликдаги харажат 2 ой давомида ҳар бирига 900 рубль», деб, харажатлар сметаси 10223 рублни ташкил этиши қайд этилган. Ушбу ҳужжатда рухсат этилган харажатлар Тошкент вилоятининг маҳаллий даромадлари ҳисобидан қопланиши кўрсатилган.

Яна энг муҳими, топилган манбаларда туркистонлик додхоҳларнинг тўлиқ рўйхати бор. «Додхоҳ» лавозими у пайтларда урф-одатлар, анъаналар, Ислом шариатидан яхши хабардор қабила бийларига ҳамда юртнинг ҳурматли бошқарувчиларига берилган. Улар давлат раҳбарига тушган мурожаатларни, шикоятларни қабул қилар ва ҳукмдор жавобини жамоатчиликка етказарди.

**– Россияга борган додхоҳлар кимлар экан?**

– Булар: 1. Тошкент ва унинг туманларидан Сайдазим Муҳаммадбоев (Тошкентнинг обрўли савдогари, ўз ҳисобидан масжид қурдирган, маҳаллий ҳокимият маслаҳатчиси), Беренхон Муддарис, Бий Мулла Қурлиқ Байтўқов (лақаби «Қўшиқ»), Бий Егемберди Мирзагелдин (Чирчиқда Қурама қавми бошқарувчиси). 2. Хўжанддан Қози Калон, Мулла Наср (савдогар). 3. Ўратепа катта муфтийси Мулла Назар Бақибаев. 4. Жиззахлик оқсоқол Қараулберди. 5. Чимкентдан мулла Марқа Охун, Бий Мауленбек Шўйбеков. 6. Туркистонлик Шайхул Ислом Исанхожин (Эшон ҳожи) – авлиё Ҳазрат Султоннинг авлоди бўлиб, аҳоли орасида катта ҳурмат ва мавқега эга. Қўнис Тилесов – Қўнғирот қавмининг бийи. 7. Иқон оқсоқоли Ивин-Амин Сўфи Шаиров – оқсуяклар авлодидан. Иқон жангида русларга қўллов кўрсатгани учун қўқонликлар уни Тошкентга олиб кетиб, зиндонга ташладилар. Тошкент Россия ҳукмронлигига ўтгач, у озод қилинади. 8. Шимолий чегарадан Қудайберген бий Баетов (майор) – Дулат қабиласининг бийи, 1864-1865 йиллардаги жангларда қатнашган, майор унвонини олган ва Байтиқ бий Қанаев (прапоршик). 9. Жанубий чегарадан Ўткелбай бий Исин («хорунжий») Перовский портидан. Уларнинг қўшимча олтита хизматкори бор эди, аммо уларнинг исмлари ҳужжатда қайд этилмаган. Вакиллар таркибида Оренбургдаги Неплюев гимназиясининг битирувчиси, коллеж маслаҳатчиси Бекчурин тилмоч бўлиб тасдиқланган. Шу билан бирга, Туркистон ўлкасида қарийб 3 йил ишлаб, сартлар ва қирғизларнинг урф-одат ва анъаналарини яхши биладиган, алоҳида махсус топшириқлар бўйича амалдор Южаков қўшимча тилмочликка тайинланган.

Шундай қилиб, 1867 йил февраль ойи охирида Тошкентдан чиққан гуруҳ Чимкентга келади. Авлиё ота ва Бишкек вакиллари ҳам шу ерга йиғилиб, Туркистон шаҳрига келиб тўхташади. Туркистонликлар уларга совға-салом улашади.

Мартабали элчиларни узоқ сафарга тайёрлаган мустамлакачи ҳукумат амалдорлари сафарнинг боришини кузатиб, уларга қулай шароит яратиб берадилар. Ҳужжатга кўра, Тошкентдан бошлаб, улар аравага миндилар. Перовский порти, Қазали орқали «Ёмон шаҳар» (ҳозирги Орск шаҳри)да уч кун қолиб, Оренбургга жўнаб кетди. Сўнг 1867 йил 22 февраль куни Оренбургни тарк этиб, Санкт-Петербургга отланишди. Крижановский Санкт-Петербургга йўллаган рапортида вакилларга Нева шоҳкўчаси бўйидан қулай, кенг, жиҳозланган ва шинамгина ошхонаси бор квартира ажратишни буюради.

**– Рус подшоси меҳмонларни қандай қутиб олган экан?**

– Қирғиз, қозоқ ва ўзбекнинг обрўли арбобларидан иборат вакиллар номидан подшоҳ девонига бир нечта ҳужжатлар топширилади. Улар қай даражада кўриб чиқилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин «Туркистон вилоятининг 59 нафар олий мартабали фуқароси муҳрини босган», «Бутун Россия империяси ва Туркистон вилоятининг император ҳазратларига» мактубида императорни улуғлашга кўп жой берилиб, «ўз қарамоғига олиш орқали Бухоро ва Қўқон истибдодидан қутқазгани» учун миннатдорчилик билан якунланади. Бундай мазмундаги хат императорнинг рафиқасига ҳам топширилади.

Император қабули чоршанба куни тушдан кейин соат иккига белгиланади.

Вакилликнинг ташкилий ишларига раҳбарлик қилиб юрган Николай Крижановский «Буюк князлар Константин Николаевич ва Николай Николаевичлар 29 март, чоршанба куни, пешин вақтида Туркистон вилояти вакилларини қабул қилишини, иккинчи қабул эса 31 март, жума куни, шу вақтда белгилангани» ҳақида хабар олади. Меҳмонлар 4 апрель куни диний маросимда иштирок этишади, уларга ибодатхона (часовня) қаршисидаги император саройининг боғи ичкарисидан жой берилади. 5 апрель куни эса Санкт-Петербургдан ўз ватанларига қайтиб кетишади.



**– Элчиларимиз миннатдорчиликдан ташқари, яна қайси масалаларни кўтаришган?**

– Улар Туркистон вилоятининг алоҳида шахсларидан иккита хат олиб боришган. Биттасини тошкентлик Латиф Ғабдул ёзиб, Жиззах экспедициясига топширилган 39та арава ҳақини Тошкент ҳукмдори Василий Роднеевич Сиров ҳали тўламай юргани ҳақида «оқ подшо»га арз қилади. Бабақўжа Ғалимқўжин эса генерал Черняев Авлиёота шаҳрини олган пайтда шаҳар атрофидаги Налибай уруғидан Заулбек ва Шимирбек деган кишиларнинг 415 қўйини тортиб олгани, уларни қайтариб беришини сўраб Тошкент ҳукмдори Сировга арз қилганда, у ўзини қамаб қўйганини айтади.

Қозоқ оқини Майлиқўжа ўз асарида эса «оқ подшо» «тилагингни бераман, мусулмоннинг онтига ишонаман, дўстлашиб, яхши алоқа қилайлик!» дея элчиларга ҳурмат кўрсатганини ёзган.

Додхоҳлар 9та моддадан иборат 11 саҳифали жамоавий мурожаатни беришади. Ҳужжатнинг биринчи моддасида Россия суд ҳокимияти билан бир қаторда минтақада суд ҳокимиятини шакллантиришда қозилар ва бийлар судини сақлаш, улар орасини фарқлаш учун аниқ талаб қўйиш, солиқ тизимига оид Туркистон ва Чимкентни 3 йилга солиқ (хирож)дан озод қилиш, Туркистон вилоятида тутун солиғи 3 рубль эканлигини, уни Оренбург ва Олатов бўлимлари билан тенг равишда 1,5 рубль қилиш сўралади. Мурожаат охирида Тошкент ҳукмдори Сиров Чирчиқ ташқарисидаги аҳолидан Черняев экспедицияси учун ёлланган 1649 туядан 800тасини, 110 отдан атиги 65 тасини қайтариб берганини, келишилган шартлар ҳақи тўланмаганидан шикоят қилинади.

**– Вакиллик таркибидаги ўзбек вакиллари ҳақида гапирмоқчи эдингиз.**

– Марқа охун Шимкентдан бўлган, лавозими – қози калон. У 1866 йилда фахрий чопон билан тақдирланган. Шайхул Ислом Туркистондан бўлган, у 1864 йилда Россия ҳукуматига ёрдами ва садоқати учун генерал-майор Безакнинг таклифига биноан олтин медаль ва фахрий чопон билан тақдирланган, шу йили генерал Веревкин, Крижановский, Черняев тавсияси билан турли қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. Улар орасида кумуш пиёла, чойнак ва лаган ҳам бор. Ибн Амин Сўфи Шайиров – Иқоннинг бообрў оқсоқоли бўлган. 1865 йилда Черняев қўлидан кумуш медаль ва зарбоф чопон олган.

Мен иқонлик сўфини илмий тасдиқлаш мақсадида иқонлик оқсоқоллар билан учрашганман. Суҳбат чоғида улар қўқонликлар сўфини Тошкентга олиб кетиб, зиндонга ташлаганлиги ҳақида билганларини айтишди. Халқ орасида жуда катта обрў-эътиборга, ҳурматга эга бўлганидан ҳатто, у кишини қайтариб олиб келиш учун аҳоли, айниқса, аёллар катта патир нонлар устига қимматбаҳо зеб-зийнатларини қўйиб, Қўқон хонига тортиқ сифатида юборишган экан... Улар ҳақида маҳаллий аҳоли орасида маълумотлар бўлса, мақсадга мувофиқ иш бўларди, тарихимиз янада бойирди.

**– Мана, архивлардан топилган атиги бир нечта ҳужжат ортидан қанча тарихий тафсилотларни билиб олдик. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Н. МАВЛОНОВА.**

**Жорий йилда мамлакатимизнинг барча таълим даргоҳларида Сўнгги қўнғироқ тадбирлари анъанавий тарзда ўтади.**

# АДАБИЙ РИШТАЛАР – АБАДИЙ РИШТАЛАР

РУХАНИ ЖАҢҒЫРУ



**Туркистон шаҳридаги “Farab” кутубхонасида “Ақтўбе адабиёт маскани” мавзуида ақтўбелик шоир-ёзувчилар билан учрашув ўтди.**

Тадбирда “Дарин” давлат мукофоти лауреати, ёзувчи Светқали Нуржан, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси Ақтўбе вилоят филиали раиси, Халқаро “Алаш” мукофоти лауреати Е. Ашиқбаев, “Уш таған” журнали бош муҳаррири О. Байсенгир, “Ақтўбе Медиа” МЧБ директори, Қозоғистон Журналистлар уюшмаси Ақтўбе вилоят филиали раиси Р. Ўтиншин, сўз устаси, таржимон ва маданиятшунос М. Ақдаулетули, тарихчи, ўлкашунос Б. Мирзабай, Ақтўбе вилоят маслаҳати депутати, шоир Б. Қалмағанбетов, ёш шоир Д. Тилеухан ҳамда маҳаллий зиёлилар иштирок этишди.

Ақтўбелик меҳмонлар ўз ижод намуналаридан ўқиб, адабиёт шинавандалари билан суҳбат қурдилар. Тадбир сўнггида ижодкорлар кутубхонага ўзларининг янги тўпламларини туҳфа этишди.

Шунингдек, кутубхонадаги рақамли планетарийни кўриш учун келган болалар самовий дунёга саёҳат қилиб, “Алақай” вилоят қўғирчоқ театрининг “Жадыра, жайна достар” спектаклини томоша қилишди.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

# ЭКОБОЗОРДА ЯРМАРКА



**Туркистон шаҳридаги Экобозорда Ақтўбе вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ўтди. Унда Ақтўбе шаҳри ва туманларидан келган йигирмадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг товарлари харидорларга тавсия қилинди.**

Умуман олганда, Ақтўбедан 15 тонна маҳсулот олиб келинган. Туркистонликлар кунгабоқар ёғи, гўшт, балиқ, тухум, асал, ун, ўсимлик ёғи, сут ва қандолатчилик маҳсулотларини бозор нархидан 10-15 фоиз арзон баҳода харид қилишди.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

◆ Ворисдошлик ришталари

# ШУКРОНА ШУКУҲИ



**Туркистон шаҳри аскиячилар терма жамоасининг фахрий иштирокчиси, моҳир сўз устаси, “Ленинизм” жамоа хўжалигида узоқ йиллар бош ҳисобчи бўлиб самарали меҳнат қилган марҳум Мунаввар Алиевнинг эвараси, Саидбекнинг суннат тўйи рамазон ойи арафасида ўтди.**

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметовнинг невараси бўлган Саидбекнинг суннат тўйи Туркистон, Тошкент, Кентов, Саврондан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида файзли ўтди. Носир Ҳамроқулов бошқарган наҳорги ош тадбирида хонадон соҳиби, марҳум зиёли инсон Бахтиёр Алиевнинг яқинлари Бобир, Ўткир, Абдуллалар туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистонда ўтаётган тўй иштирокчиларига эзгу ниятларини изҳор этдилар. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, марҳум Абдурашид Шержоновнинг фарзанди, меҳнат фахрийси Орифжон ака бир неча йил муқаддам “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида кўтарилган масала ижобий ечимини топганлигини таъкидлаб, таҳририятга миннатдорчилик билдирди. Авлодлар ворисдошлиги давом этаверсин. Чўрноқлик фахрий имом Тўрахон Абдураззоқов Қуръон тиловат қилиб, элга тинчлик, юртга омонлик, ёшларга саодат камолини тилаб, дуои фотиҳа қилди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**
**Муаллиф тасвири.**

◆ Саврон тумани бир ёшда

# САБР, ВАЗМИНЛИК ВА МАДАНИЯТЛИЛИК ИЛА...

***Саврон тумани ҳокими Ғани Рисбековнинг Сиздиқ Пирметов раҳбарлик қилаётган Ўранғай қишлоқ округи аҳолиси билан учрашуви қишлоқ марказидаги клубда ўтди. Қишлоқ ҳокими Сиздиқ Пирметовнинг ташаббуси билан Бобир Шерхон ўғли бунёд этган “SEM BRAND” мебель корхонасининг миллий нақшлар тасвири туширилган мустаҳкам замонавий стуллари йиғилишга махсус олиб келинди. Туман ҳокими маърузасида қатор масалаларга тўхталди.***

– Жорий йил 22 апрель куни Саврон тумани ташкил этилиб, фаолиятини бошлаганига бир йил тўлади. Туман гўшт етиштириш бўйича вилоятда биринчи ўринда. Бюджет кўрсаткичлари бўйича режа туман кўламида 101 фоизга бажарилди. Бугун сизлар билан учрашиб, муаммолар билан танишиш мақсадида келдим. Ўранғай қишлоқ округи таркибидаги Қучота қишлоғи вакиллари вилоят ҳокимига мурожаат этиб, Саврон тумани таркибидан чиқиб, Кентовга қўшилишларига изн сўрашибди. Нега ва нима учун, деган савол туғилади. Мантиқий жавоб йўқ. Бу нарса амалга ошса ҳам Қучота Кентовга эмас, Қарноқ қишлоғига қўшилиши мумкин. Биз бу ерда янги мактаб қурилишини бошлаяпмиз. Меҳнат фахрийларини навбати билан дам олишга оромгоҳларга юборишни бошладик. Мен барчани сабрли, вазмин, маданиятли бўлишга чақираман. Туман бюджетига марказдан 3 млрд. тенге ажратилса, йўлларни таъмирлаш, қурилиш, сув таъминоти, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга сарфланади, – деди туман ҳокими Ғ. Рисбеков.



Аҳоли номидан сўзга чиққан С. Жумахан, Й. Қосимов ва бошқалар қишлоқ чеккасидаги маҳаллаларни ичимли сув, электр билан таъминлашдаги камчиликлар, қишлоқнинг ўзида тез ёрдам бўлиши, жарроҳ, невропатолог каби шифокорлар қишлоқ амбулаториясида хизмат қилиши, Қўшқўрғон қишлоғига борадиган йўлни таъмирлаш каби масалаларни кўндаланг қўйишди. Шу ерда масъул раҳбарлар соҳалар бўйича берилган саволларга жавоб беришди, қолганлари юзасидан расмий баённома ҳужжатлари жўнатилиб, жавоби қишлоқ аҳолисига тақдим этилади.

Қишлоқ марказида барпо этилган замонавий спорт мажмуаси тантанали очилганига икки ойдан ошса-да, ёшлар ҳамон ўз фаолиятини бошламаганлигининг сабаби ҳақидаги саволига туман ҳокими бу масала ўрганилаётганини, насиб этса, яқин кунларда мажмуанинг ишга туширилишини маълум қилди.

Қўшқўрғон қишлоғидан меҳнат фахрийси Йўлдош Қосимов Саврон туман тарихида биринчи ҳоким Ғ. Рисбековга масъулиятли фаолиятида омад тилаб, дуои фотиҳасини берди. Кўп йиллар аввал қишлоқ бийлар кенгаши раиси Абдумуталлиб Носиров ўша кездаги шаҳар ҳокими Алипбек Ўсербаев (марҳум) ҳисоботи чоғида кўтарган янги мактаб қурилиши масаласи ниҳоят амалга ошиш арафасида. Қишлоқ фаоллари саъй-ҳаракатлари билан жорий йилда янги мактаб пойдеворини бунёд этишга бюджетдан 150 млн. тенге ажратилди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Суратда:** тадбирдан лавҳа.

**Муаллиф тасвири.**

◆ Обуначиларимиз орасида

# ДИРЕКТОР БИЛАН ДЕПУТАТ МУЛОҚОТИ

РУХАНИ ЖАҢҒЫРУ

**Саврон тумани Югнак қишлоғидаги А. Югнакий номли мактаб директори Дилмира Файзиева (тасвирда) ўқув биносини тубдан таъмирлаш юзасидан сўровнома билан вилоят маслаҳати депутати Насиба Отаевага мурожаат қилди. Директор, ота-оналар қўмитаси, васийлик кенгаши раҳбарлари имзолаган сўровнома асосида депутат Н. Отаева вилоят маслаҳатига ўз номидан сўровнома йўллайдиган бўлди.**



Май ойида депутат Н. Отаева (тасвирда) Югнак қишлоғидаги ушбу мактабга ташриф буюриб, муаммолар билан шахсан танишади. Таъкидлаш жоизки, бунга қадар марказий Туркистон кўчасида видео назорат камерасини ўрнатиш борасидаги сўровнома ўрганиб чиқилди. Галдаги қадам – бюджет ижросида.

Ўз навбатида депутат Н. Отаева мактаб ёки турли ташкилотлар жамоаси бирор сўровнома билан мурожаат қилишлари учун, албатта, ёзма равишда мурожаат этилиши зарурлигини маълум қилди.



**Ш. МАДАЛИЕВ.**
**Муаллиф тасвирлари.**

◆ Рамазон – фазилатлар ойи

# “ROYAL GRAND”ДА ИФТОРЛИК



Туркистонда тадбиркор Жўрахон Маҳкамбой ўғли Акешов фарзандлари билан барпо этган муҳташам “ROYAL GRAND” меҳмонхонасида “Улес” хайрия жамоат жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров ташаббуси ва ҳомийлигида шаҳардаги кам таъминланган серфарзанд оилалар вакиллари – жами 70 рўзадорга ифторлик ташкил этилди. Тадбирда иштирок этган фахрий меҳмон, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Тўлқин Саидмуродов ҳамда бошқалар имконияти борларнинг ҳимматини жамлаб, муҳтожларга етказишда олтин кўприк вазифасини бажараётган “Улес” жамғармаси фаолиятига юксак баҳо беришди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Суратда:** тадбирдан лавҳа.

**Муаллиф тасвири.**

Директор – Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
*Туркистон, Кентов* — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
*Тўлебий* — **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
*Қазиғурт* — **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.
*Сайрам* — **Мухтабар УСМОНОВА.** +7-707-257-97-36.
*Тулкибош* — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.
*Обуна, реклама ва эълонлар* — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган бирадарлиги.

*● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
*● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, "Жаңа қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават.**
**Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.**
**Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55**
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12000 нусха.

Буюртма: 979.

Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.